

Имом Мотуридий таълимотига бағишланган халқаро анжуман бошланди



11:44 / 30.04.2025 948

Бугун, 30 апрель куні Самарқанд шаҳридаги «Hilton Samarkand Regency» меҳмонхонасида «Мотуридийлик – бағрикенглик, мўътадиллик ва маърифат «таълимоти» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман бошланди.

Анжуман давомида иштирокчилар буюк бобомиз Имом Мотуридийнинг илмий мероси, мотуридийлик таълимотининг моҳияти ва шу каби муҳим масалаларни муҳокама қиладилар.

Маълумот ўрнида тадбирда Миср, Туркия, Малайзия, Индонезия, БАА, Саудия Арабистони, Кувайт, Қатар, Покистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби 20 дан ортиқ давлатдан 70 дан зиёд муфтийлар, нуфузли исломшунос олимлар, давлат ва жамоат арбоблари,

мотуридийшунос тадқиқотчилар, тарихшунос мутахассислар ва диний-маърифий соҳа вакиллари қатнашмоқда.